

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2019



SAHIFAALARIDA

саҳифаларида

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Насрулло ЭРГАШ. Авлод ва эътиқод.....50

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Нодира ОФОҚ. Мен Сизиф тошига
эгаман бошим.....55

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Виктор АЛИМАСОВ. Парвоздаги
мусаввир.....62

ДУНЁНИНГ СИРЛАРИ

Мурод ҲОШИМОВ. Қақнус: атторона,
навоийона... ..70



Жамол УСМОНОВ. "Куш тили"

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

АНАР. Оқ кўчқор, қора кўчқор. Қиссадан
боблар.....74

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

ШУҲРАТ. Тўрт томони очик қафас.....96
Носир РАҲМАТ. Иккинчи умр.....100

Баходир ЖАЛЮЛОВ
"Абадиёт элчилари"



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Олим ОТАХОН. Ботиндаги бўрон.....104

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Ижод АҲМЕДОВ. Нажоткор ғоя.....112
Қувондиқ САНАҚУЛОВ, Рухсора РЎЗИЕВА.
Олтиндан қиммат сармоя.....113
Ситора АБДУСАТТОРОВА. Моделлаш-
тириш нима?.....115
Ҳабибулло РАЖАБОВ. Тоффлернинг
рўёбга чиққан башорати.....117
Нодира ҚУРБОНОВА. Илоҳий макон
ва замон.....118
Гулчеҳра НАВРЎЗОВА. "Дам – бу
дамдир".....119
Равшанбек МАҲМУДОВ. Футувват –
жавонмардлик демак.....121
Нодиржон АБДУЛАҲАДОВ. Ҳажв ҳа-
қиқат хизматида.....122
Гулираъно ОРИФЖОНОВА. Ватаннинг
хориждаги жавоҳирлари.....124
Тошкентбой ПАРДАЕВ. Инқироз илди-
зини излаб.....125
Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуну.....127

ланади. Улуғ адиб Абдулла Қодирий янги романига материал йиғиш учун Маргилонга келганда, Абдуллахон Абдурахмонов, Юсуфжон қизиқ каби кўпни кўрган, тарихни билган кишилар билан учрашиб суҳбатлашгани ҳам маълум (*Наби Юсуфий. Ёз кунларининг бирида. Тошкент, Фафур Фулом номидаги АСН, 1986. 105-бет*).

Уч тарихий давр – хонлиқлар, рус империяси ва шўролар даврида ўз санъати билан халққа хизмат қилган Юсуфжон қизиқ катта обрўга эга бўлган. Ўлканинг турли шаҳарларида ижод қилган актёрлар, ҳофиз ва созандалар, аскиябозлар, дорбоз ва муаллақчилар Маргилонга келиб Юсуф қизиқ мактабида таҳсил

кўрар, шу ерда имтиҳондан ўтар, ундан фотиҳа олар эди (*Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. Тошкент, "Фан", 1968. 162-бет*). Уни бежизга "Уста" деб аташмаган.

Юсуфжон қизиқ одамларни шунчаки кулдириб қолмай, балки кулдириб туриб, уларга яхшилиқдан сабоқ берди. Афсуски, кейинги пайтларда намойиш этилаётган айрим қизиқчилик дастурлари ёшлардаги энг нозик фазилатлар, айниқса, уят ҳиссининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда Юсуфжон қизиқ каби устоз санъаткорлар маънавий мероси қадри ёрқинроқ намоён бўлади.

Нодиржон АБДУЛАҲАДОВ,
тарих фанлари номзоди

Vatanning xorijdagi javohirlari

Этнографик коллекциялар маълум бир халқ ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини намоиш этади, унинг этник генезиси ҳақидаги маълумотларни жамлайди ва келажак авлодга етказиб беради. Жумладан, Ўзбекистон этнографик коллекциялари ҳам ранг-баранглиги, турли-туманлиги ва кўп сонли экани билан аҳамиятга молик.

Жаҳоннинг етакчи музейларида ҳам ўзбек этнографиясига бағишланган бой кўргазмалар мавжуд. Жумладан, Россиядаги этнография музейи, Эрмитаж музейи, Шарқ давлат музейи, Буюк Британиядаги Виктория ва Альберт музейи, Япония этнография (Осака шаҳри) музейи, Германиянинг Берлин шаҳридаги этнография музейини фикримизга далил сифатида санаб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон амалий санъатининг XIX аср охири – XX бошларида Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидан йиғиб, олиб кетилган ниҳоятда бой коллекцияси (бадий ишлов берилган металл, сопол буюмлар) Стокхольм халқ амалий санъат музейи фондида кўз қорачигидек сақланмоқда.

2004 йили Вашингтондаги машҳур Фрир бадий галереясида ўтган асрнинг 60-70-йилларида Ўзбекистон ҳудудидан сотиб олинган

икат – абрбанди матолар коллекцияси намоиш этилди. Германиянинг шахсий коллекциялари ва музейларида ўзбек сўзаналарининг нодир намуналари мавжуд (*Ўзбекистон маданий мероси // Россия этнография музейи тўплами. Китоб-альбом. Тошкент, 2016. 6-бет*).

Россия этнография музейи Ўзбекистон этнографик коллекцияларини сақлаш ва уларни намоиш этиш бўйича етакчи масканлардан бири саналади. Музейнинг олтин фондида Бухоро амири томонидан Русия ҳукмдорларига совға сифатида жўнатилган олтин иплар билан тикилган тўн, от абзаллари, қимматбаҳо тошлар билан ишлов берилган камарлар, кандакорлик буюмлари сақланади.

Бундан ташқари, доимий экспозицияда ўзбек халқининг турмуш тарзи, кундалик ҳаёти, урф-одат ва анъаналари, меҳнат машғулотлари, тураржойларига оид нодир манбалар намоиш этилади. Музей залларидан ўзбек этнографик ҳаётининг фақат моддий кўринишларигина эмас, балки номоддий маданияти ҳам ўрин олган. Жумладан, ўзбек маросимларидан бири ҳисобланган суннат тўйига оид видеолавҳа мультимедиа қурилмалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда томошабин эътиборига ҳавола этилади.

Россия этнография музейида Ўзбекистон этнографик коллекцияларининг шаклланиш даври – музей ташкил этилган йил билан бево-сита боғлиқ. Музей этнография бўлимининг илк экспедицияси 1900 йилда бўлғуси музейни таш-кил этиш дастури тайёрланаётган бир пайтда Ўрта Осиёга йўналтирилган эди. Музейнинг Ўрта Осиё йўналишидаги экспедиция-тўплаш ишларини ўша даврнинг атоқли шарқшуносла-ри, академиклар С.Ольденбург, В.Бартольд, В.Радловлар назорат қилган.

Самарқанд, Бухоро ва Тошкентга ҳамда Фарғона водийси вилоятларига уюштирилган экспедиция давомида С.Дудин томонидан Ўз-бекистон халқларининг турмуш маданиятига тегишли 2 мингдан кўпроқ буюм, жумладан, турли меҳнат қуроллари, деярли барча турдаги маҳаллий касб ва ҳунарларга оид бўлган ускуна ва ашё намуналари, кийим-бош ва тақинчоқлар, уй-рўзғор буюмлари ва унинг ички безакларига оид ноёб намуналар тўпланган. Музейнинг Мар-казий Осиёга доир асосий этнографик коллек-циялари ўтган асрнинг 30-йилларида шакллан-тирилган. Ҳозирги пайтда бу ерда Ўзбекистонга оид 20 мингдан зиёд анъанавий-маиший мада-ният ашёлари намунаси мавжуд. Улар деяр-ли бир аср мобайнида тўпланган (*ўша манба, 22-26-бетлар*).

Этнографик ихтисосликка эга бўлмаган, масалан, бадиий ёки амалий санъат ихтисос-лигига эга музейларда этнографик коллекция-лар экспозициясини амалга оширишда кўпроқ мавзу йўналиши ҳисобга олинади. Жумладан, Буюк Британиянинг Викториа ва Альберт му-зейида ўзбек миллий либослари ва матолари шу услубдан фойдаланган ҳолда кўрсатилган. Бундан ташқари, Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж музейининг Марказий Осиё санъа-ти бўлимида ҳам этнографик буюмлар мавзу йўналишини ҳисобга олиш услубидан кенг фой-даланган ҳолда томошабинлар эътиборига ҳа-вола қилинади.

Япониянинг Осака шаҳридаги этнография музейида “Ўзбекистон бурчаги” мавжуд. Унга профессор Кюдзи Като асос солган. XX асрнинг 60-йилларида Ўзбекистонга ташриф буюриб, юртимизга меҳр қўйган бу олим этнографик тур-муш тарзини ўзида ифодаловчи коллекциялар йиғи бошлайди (*ўша манба, 6-бет*).

Жаҳоннинг етакчи музейлари экспозицияси-дан ўрин олган миллий экспонатлар бой мада-ний меросимизни кенг жаҳон оmmasига намо-йиш этиб келмоқда.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти докторанти

Inqiroz ildizini izlab

Давлатнинг инсонпарварлик сиёсати фуқа-ронинг турмуш тарзида намоён бўлади. Халқ-ни ҳеч қачон ёлғон ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан алдаб бўлмайди. Ваъдалар амал-га ошсагина аҳоли давлат ҳамда у юргизаётган сиёсатдан рози бўлади. Акс ҳолда, ҳаётдан кўнгли қолиб, тузумга бўлган ишончи буткул сўнади.

Халқ сифатида бундай оғир ҳолатни биз яқин ўтмишда бошдан кечирдик. Ривожланган социализмдан коммунизм сари дадил одим-лаётганини даъво қилган собиқ СССР иқтисо-диёти ўтган асрнинг 80-йилларида боши берк кўчага кириб қолди. Мустабид тузум мафкураси тинмай тарғиб этган фаровонлик жамияти қуруқ ёлғондан иборат экани кундан-кун фош бўлди. Зўрлик ва зулм устига бунёд этилган совет им-

перияси иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий таназул ёқасига келиб қолди. Бун-дай оғир ҳолат, айниқса, Ўзбекистонда кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бу инқироз са-бабларини бошқарувдаги маъмурий-буйруқбоз-лик, зўравонлик, яқка мафкура ҳукмронлиги, режа ва рақам изидан қувиш, маҳаллий манфа-атларнинг зўрлик билан марказ манфаатларига мослаштирилиши кабилардан ахтариш лозим.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқимиз-нинг тинимсиз меҳнати, фидокорлиги ва бунёд-нинг тинимсиз меҳнати, фидокорлиги ва бунёд-корлик салоҳияти туфайли республика иқтисо-диёти бирмунча оёққа турди. Бироқ марказнинг камситувчи ҳамда зўравон сиёсати туфайли ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётда муам-молар тўплана бориб, пировардида инқирозли вазиятга олиб келди.